O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-YIL • 12-FEVRAL • SHANBA • 18 (27.353) • uzbevozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

## «ЎЗФАРМСАНОАТ»: ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА





Пойтахтимизда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Novopharma plus» Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Корхонанинг устав жамғармаси умумий қиймати салкам беш ярим миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, «Ўзфармсаноат» ДАК ва Кипрнинг «Kalobria co Limited» компанияси унинг таъсисчиларидир. Корхонага АҚШ, Германия, Япония, Швейцария каби мамлакатлардан келтирилган технологиялар ўрнатилган.

Бу ерда тайёрланадиган нисбатан арзон ва сифатли дори-дармонлар замонавий тиббиётнинг халқаро андозаларига тўла жавоб беради. Энг қувонарлиси юртимиз аҳолисига юрак-қон томир, нафас йўли, шамоллашга ва зарарли микробларга қарши йигирма хилдаги препаратлар етказиб берилмоқда. Келгусида тайёр маҳсулотлар сонини бир юз элликка етказиш ҳамда экспортга чиқариш мўлжалланяпти. Айни пайтда корхонада юздан ортиқ киши ишламоқда.

**Абдуғани СОДИҚОВ**



**Суратларда:** қўшма корхона иш фаолиятидан лавҳалар. **Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

ҚАРОРИ

## Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:**

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жой-коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш;

коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш;

ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни якка ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорида, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади;

коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади;

газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жиноий жавобгарликкача тортиладилар.

3. Белгилансинки, 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидаги сув ўтказгичлари, канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ)да жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва, тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонига мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб олинган коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ҳ.Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта кўриб чиқсин ва икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

(Давоми 2-бетда.)

Тадбир

## ЯКУНЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ЭРТАНГИ РЕЖАЛАР

Республика Биржа марказида мамлакатда депозитарий фаолиятининг ўтган йил якунлари ҳамда 2005 йилдаги вазифаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси М.Асқаров, республика Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори М.Юнусматов, депозитарийларнинг барча минтақалардан келган раҳбарлари, масъул ходимлари иштирок этдилар.

Мажлисни олиб борган Давлат мулки қўмитаси раиси М.Асқаров ўз сўзида Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида белгилаб берилган мамлакат иқтисодиёти барча соҳаларининг асосий ва устувор йўналишлари ҳақида батафсил тўхталди. Шунингдек, у масъул лавозимда ишлаётган ходимларга нисбатан қўйилаётган талаблар ниҳоятда катта эканлиги, ҳар бир раҳбар ёш авлодга ўргатиши учун аввало ўзи билимдон бўлиши кераклиги, бунинг учун эса доимо изланиши зарурлиги хусусида гапирди.

Мажлисда ўтган даврнинг асосий натижалари ва соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечими ҳақида ҳам гап борди.

**Хондамир МИРҲОДИЕВ**

Кураш

## ЯНА БИР ЭЪТИРОФ

Куни кеча Кураш Халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан олинган маълумотга кўра, Халқаро Олимпия қўмитаси қарорига мувофиқ, Лозанна (Швейцария)даги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида уюштириладиган халқаро кўргазмада ўзбек кураши учун ҳам алоҳида жой бериладиган бўлди. Шу йилнинг май ойида иш бошлайдиган «Миллий спорт — боқий анъана» деб номланган мазкур халқаро кўргазмада ҳамюртларимиз кураш бўйича беш қитъада ўтказилаётган нуфузли мусобақаларга оид босма ва видео тасвирлар, этнографик, антропологик ҳамда социологик босма нашрлар, ушбу спорт тури қонун-қоидалари, либослари билан қатнашадилар. Мазкур тадбир 2006 йилнинг апрель ойига қадар давом этиши кўзда тутилган.

Бундай юксак эътибор курашимизнинг Олимпия ўйинлари сари қўйган муҳим қадами бўлиши шубҳасиз. Зеро, ўзбек курашининг халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётганлиги Ватанимизнинг жаҳонда ўз ўрни ва салоҳияти борлигидан далолатдир.

**Эркин ХОЛБОБО**

ЎзХДП янгиликлари

## ДЕПУТАТЛАР ВА САЙЛОВЧИЛАР МУЛОҚОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси икки палатали парламенти — Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлиси якунлари, унда республика Президенти И.А.Каримовнинг дастуриламал аҳамиятга эга маърузасида баён этилган вазифалар меҳнат жамоалари, билим юртлари, маҳаллаларда, кўплаб бошланғич партия ташкилотларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Тадбирларда Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар, партия тузилмалари раҳбарлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломовнинг Тошкент Педиатрия институти талабалари ва профессор-ўқитувчилари билан ўтказган учрашуви ҳам шу мавзуга бағишланди. У мамлакат раҳбари маърузасида баён этилган қоида ва хулосалар, қўйилган вазифаларга батафсил тўхталди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан қатъий ва оғишмай бориш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда кишилар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари партия ташкилотлари, барча зиёлилар, фуқаролар диққат марказида бўлиши зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, нотиқ йиғилганлар эътиборини ҳозирги пайтда мамлакатимизда соғлом сиёсий рақобат қарор топаётгани, сиёсий партиялар ўртасида манфаатли ва самарали мулоқот бошланаётганлигига қаратди.

Учрашув жараёнида, иштирокчилар томонидан кўпчиликни қизиқтираётган турли муаммолар кўтарилди. Хусусан, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги тариф сиёсати, коммунал жабҳасида ислоҳотларнинг бориши, ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлаш масалалари бўйича аниқ таклифлар айтилди. Учрашувда сўзга чиққан талаба ва ўқитувчилар Халқ демократик партияси, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясига партия Сайловолди Платформасини принципиаллик билан ҳаётга татбиқ этиш учун курашни кучайтиришлари зарурлигини билдирдилар.

Суҳбат давомида Қонунчилик палатаси фаолияти ва унинг Регламенти тўғрисидаги масала кўтарилди. Қуйи палата ишини янада фаоллаштириш ва фракция ҳамда қўмиталар ишини ОАВ орқали халқимизга кенгроқ етказиш тўғрисида танқидий фикрлар ва таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон ХДП фракциясига Қонунчилик палатасининг мажлисларида олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш кафолатлари тўғрисида, соғлиқни сақлаш муассасаларини бюджетдан молиялаш меъёрларини мақбул ҳолатга келтириш, ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш масалалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, таклиф киритишни сўрадилар.

Мулоқотда кўтарилган масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва Сайловолди Платформаси билан ҳамоҳанг эканлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

•••

Худди шундай тадбирлар ХДПдан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар иштирокида жойларда ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, **депутат Рустам Тиллабоев** ХДП Андижон вилоят кенгаши ва «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинида, **24-Шохруд сайлов округидан депутат Шавкат Каримов** Когон тумани «Файз-ҚМ» масъулияти чекланган жамиятида, **Депутат Муҳаббатхон Абдуллаева** Поп тумани маданият уйида, **41-Уйчи сайлов округидан депутатликка сайланган Нўъмонжон Аҳмаджонов** Серожи, Гулистон, Навоий, Боғишамол маҳаллалари ҳамда Косонсой туманидаги Косонсой қишлоқ фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашдилар.

Фарғона вилоятида **депутат Қаҳҳор Ибрагимов** «Шоҳимардонсой» масъулияти чекланган жамияти, Отбуйра, Паласан қишлоқ фуқаролар йиғинида, **88-Учкўприк сайлов округидан депутат Маҳмуд Маҳкамов** «94-сон автокорхона» масъулияти чекланган жамиятида, **69-Денов сайлов округидан депутатликка сайланган Анвар Бойқулов** Денов муҳандислик-қурилиш компаниясида, Хазарбоғ ширкат хўжалигида, **депутат Жалғаш Маматмўминов** Шўрчи ва Олтинсой тумани меҳнаткашлари билан мулоқотлар ўтказдилар.

**Депутат Илҳом Аҳмедов** «Хива гиламлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоасига Юртбошимизнинг маърузасида қўйилган вазифалар ҳақида гапириб берди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## 14 ФЕВРАЛЬ — Заҳириддин Муҳаммад БОБУР таваллуд топган кун

***Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.***

**Ислом КАРИМОВ**

Она-Ватанга бўлган боқий муҳаббат сабоқларини улуғ Бобурнинг бетакрор ижод намуналаридан англамоқ мумкин. Юрт қадрини, миллат шаънини бир умр қалб гавҳаридек асраган шоир ва шоҳ бобомиз ватансизлик дунёдаги энг катта изтироб эканлигини мана бу сўзларида ифода этади:

**Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,**
**Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.**
**Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,**
**Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

Шу кунларда таваллуд айёми мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланаётган улуғ шоирнинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган қисмати барчамизга яна бир бор бу ёруғ оламда инсон учун Ватандан қадрлироқ буюк ҳақиқат йўқлигини англатади.

4-БЕТ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган




## Келишувдан чиқишини маълум қилди

Шимолий Корея «номаълум муддатга» ядро дастурга тегишли олти томонлама келишувдан чиқишини маълум қилди. Бу ҳақда мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги хабар тарқатди.

Расмий Пхеньян фикрича, Вашингтон Шимолий Кореяни «зулмнинг таянчи» деб атагач, музокаралардан фойда қолмаган.

КХДР биринчи марта расман мамлакат мудофааси ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш учун ядро қуролларини яратганини маълум қилди.

Шимолий Корея атрофидаги ядро билан боғлиқ гап-сўзлар 2002 йилнинг октябрида бошланган эди. Ўшанда Вашингтон Пхеньян халқаро келишувларни бузиб, ядро материалларига эга бўлмоқчилигини маълум қилганди. Американикларнинг фикрича, КХДР иккитадан олтитагача бомбага эгалик қилмоқда.

Ўша пайтдан буён Америка ва Шимолий Корея ўртасида 3 марта келишув музокаралари ўтказилди.

Келишувларнинг тўртинчи тури шу йилнинг сентябрига режалаштирилган эди. Бироқ КХДР Вашингтонни «душманлик сиёсати»ни олиб боришда айблаб номаълум муддатга келишувдан чиқди.

Шимолий Корея ҳукумати мамлакат ўз мафкурасини, тизимини, озодлик ва демократияни муҳофаза қилиш учун ядро салоҳиятини ошириб боришини маълум қилди.

## Сабзи — саратонга даво



Ньюкасл университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар сабзи билан женьшенда бор бўлган фалькаринол саратон касаллигига қарши кураша оладиган модда эканлигини тасдиқлади.

— Сабзи организм учун фойдали ва саратоннинг олдини олиш хислатига эга эканлигини билардик. Бироқ унинг таркибидаги қайси модда шундай хусусиятга эгалигини билмасдик, — деди Кристен Брандт Ньюкасл қишлоқ хўжалиги университети вакили.

## Рим Папаси уйига қайтди



Рим Папаси Иоанн Павел II тўққиз кундан кейин «Жамелли» касалхонасидан Ватиканга қайтди.

Папани шамол ва совуқдан асраш учун касалхона эшигидан унинг машинасигача махсус ёпиқ йўлак барпо этилди.

— Рим Папаси ларингоспазм туфайли касалхонага ётишга мажбур бўлганди. Папанинг умумий аҳволи қониқарли, — деди Ватикан вакили Жоакин Наварро-Валлс.

## Ишончни йўқотган вазир

Эстония Президенти Арнольд Рюйтель мамлакат ташқи ишлар вазири Кристиина Оюландни эгаллаб турган лавозимидан озод қилди. У ўтказилган аудиторлик текшируви давомида давлат сирига эга бўлган 91 та ҳужжатнинг йўқолганлиги бунга сабаб бўлди.

## Қўмондон вазифасидан бўшатилди

Маҳмуд Аббос Ғазо минтақасининг Фаластин хавфсизлик кучлари қўмондони вазифасидан озод қилди.

Фаластин расмий вакилларининг берган маълумотига кўра, жамоат хавфсизлиги раҳбари Абдул Раззоқ Мажиди билан бирга яна икки нафар қўмондон вазифасидан озод қилинди.

Маҳмуд Аббос бу қарорни Ғазо минтақасида ХАМАС радикал гуруҳи томонидан исроилликларга қарши уюштирилган ҳужумдан кейин имзолади.

Фаластин жангарилари яҳудийларнинг Гул-Катиф турар-жойларига қарата 30тагача ракета отишган. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга жароҳат етгани йўқ.

ХАМАС вакилларининг айтишича, бу ҳаракатлар яқинда ҳалок бўлган фаластинлик учун қасд эди.

Фаластин муҳторияти етакчиси хавфсизлик кучларига бундан кейин ўт очишнинг олдини олиш ва жангарилар томонидан тинчлик ўрнатиш шартларига амал қилишни назорат остига олишни буюрди.

## Мақсад — мамлакат ҳудудини назоратга олиш




НАТОга аъзо мамлакатлар мудофаа вазирлари Афғонистондаги миссияни кенгайтириш таклифини тасдиқлашди.

Испания, Италия ва Литва Афғонистонга яна 500 аскарини жўнатишга рози бўлгач, альянс ҳарбий амалиётлари Ҳирот ва ғарбий Афғонистоннинг яна уч шаҳрига тарқаладиган бўлди.

Афғонистондаги НАТО кучларининг асосий қисми Кобул атрофида жамланган.

Альянс вакилларининг фикрича, янги контингент 2006 йилгача мамлакатнинг бутун ҳудудини назорат остига олишга ёрдам беради.

Айни пайтда 30 та давлатдан 8500 аскар мамлакатда хизмат бурчини ўтамоқда.

*Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган «Mashextiyotqismlaributlash» МЧЖ 1995 йил 21 ноябрда рўйхатга олинган, қарор рақами 584/7, СТИР 201427617, ХТУТ (ОКПО) 15928280, корхона раҳбарлари Яковлев Владимир Георгиевич ва Ахметов Ришат Фаутович бўлган, мазкур корхона таъсисчилари уч ой муддатда маълум бўлмаса, Тошкент шаҳар хўжалик судига ҳужжатлар тугатиш масаласи кўриб чиқиш учун юборилади.*

## ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ ЭМАС

Чукотка губернатори, Лондоннинг «Челси» футбол клуби соҳиби, россиялик тадбиркор Роман Абрамович Россия футбол иттифоқи президентлиги учун ўтказиладиган сайловларда қатнашмаслигини маълум қилди. «Мен бундай президентлик лавозими учун ўтказиладиган сайловда қатнашишни истамаганман ва истамайман ҳам, — дейди Абрамович. — Лекин, шу лавозимга талабгор бўлиб турган Виталий Мутконий қўллашим мумкин».

Яна шуни айтиш лозимки, бу лавозимга расмий равишда собиқ дарвозабон Анзор Кавазашвили асосий даъвогар экани маълум.

Сайловлар шу йилнинг 2 апрель куни бўлиб ўтади.

**Интер-спорт**

## МАТЧ-РЕВАНШ ЎТКАЗИЛАДИ...МИ?

Ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсоннинг маслаҳатчиси Шелли Финкель мухбирлар билан суҳбатда моҳир боксчининг англиялик Дэнни Вильямс билан матч-реванш ўтказишига доир музокаралар олиб бораётганини баён қилди. «Майк рингга қайтиш учун машқларга зўр бермоқда, — дейди Финкель. — Майк ҳам, Дэнни ҳам ушбу жанг бўлишини хоҳламоқда. Аммо, ҳозирча бу жангнинг қаерда бўлиши номаълум».

Эслатамиз, Дэнни ўтган йили 30 июль куни Тайсонни тўртинчи раундда нокаутли зарба билан мағлубиятга учратган эди.

## Ориф АЛИМАХСУМОВ



Ўзбек мусиқа маданияти оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим мумтоз қўшиқчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшган бетакрор истеъдод соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимахсумовни 78 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ориф Алимахсумов 1927 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1967-1975 йилларда Тошкент театр санъати институти ҳамда Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаб, Ўзбекистон «Телерадио» компаниясида ўз ижодий фаолиятини халқ чолғу оркестрида хонандаликдан бошлади. Кейинчалик узоқ йиллар давомида «Мақом» ансамблининг бадиий раҳбари сифатида фаолият кўрсатди.

Унинг ижросидаги «Чўли ироқ», «Сўлим», «Айлагач», «Сарахбори бузрук» каби қўшиқлар мумтоз санъатимизнинг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган.

Санъаткор ўлмас миллий меросимиз бўлмиш «Шашмақом»ни магнит тасмасига ёзиб олиш, халқимиз орасида ва чет элларда кенг тарғиб этиш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Кўплаб ёш ижрочиларга ўзининг билим ва тажрибасини ўргатиб, устозлик қилди.

Ориф Алимахсумовнинг элюртимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, «Соғлом авлод учун» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган эди.

Моҳир санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ориф Алимахсумовнинг хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, А.АЗИЗХЎЖАЕВ, А.КЎЧИМОВ, А.ИСМОИЛОВ.**

## ГЕРМАНИЯЛИК ДЎСТЛАР КЎМАГИ

Қишлоқ хўжалиги экинлари учун энг хавфли зараркунанда — чигирткага қарши кураш борасида Қорақалпоғистон республикаси туманларида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, германиялик Хонс Вилпснинг Қорақалпоғистон ҳудудида чигирткага қарши курашиш лойиҳаси бўйича иш олиб бораётганига икки йил бўлаяпти. Мазкур лойиҳа асосида далаларни ва экинзорларни зараркунандаларга қарши дори сепишда ишлатиладиган кўплаб замонавий ускуналар сотиб олинди. Ўтган йили айниқса, республиканинг Мўйноқ, Қўнғирот туманларида улардан самарали фойдаланилди.

Куни кеча Германия иқтисодий ҳамкорликда ишлаш ва ривожлантириш жамияти жамоаси ўз ҳамкорларига ёрдам сифатида далаларни дорилашга мослаштирилган «Днепр-16» русумли олти дона мотоцикл ҳам ҳадя этишди. Уларни топшириш маросимида лойиҳа бошлиғи Хонс Вилпс ва Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ф.Эрмонов иштирок этдилар.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Саломатлик сандиғи**

## ТОМОҚ ОҒРИҒИ

Қиш фаслида агар эҳтиёт чоралари кўрилмаса (ортиқча иссиқ кийиниш, совуқ нарсаларни истеъмол қилиш, елвизакда қолиш, оёқларни музлатиш) томоқ оғриши, муртак безларининг яллиғланишига олиб келади.

Муртак безлари яллиғланиши (ангина) юқумли бўлиб, улар одатда стрептококк, стафилококк ва бошқа микроблар воситасида пайдо бўлади. Касаллик муртак безларининг қизариши ёки улар юзасида иллатли пардаларнинг пайдо бўлиши билан кечиши мумкин. Хасталик ўз вақтида даволанмаса, нохуш асоратларни келтириб чиқариши эҳтимоли бор.

Болалар ёки катталар ҳам бу касаллик билан оғриганда қалампир илдизини майдалаб, дамлама тайёрланади ва оғиз ҳамда томоқ чайилиб, ғарғара қилиниши керак.

Анжир меваси қоқидан қайнатма тайёрлаб истеъмол этилса, муртак безлари яллиғланишини йўқотади. Шунингдек, бош пиёзнинг майдаланган қуруқ пўстлоғидан 3 чой қошиқ олиниб, 1 стакан сувда 4 соат дамлаб, сузилган шарбати билан оғизни чайиш ҳам беморга наф беради. Бир чимдим аччиқтош сувда эритилиб, илиқ ҳолда оғиз чайиладиган бўлса, муртак безларининг яллиғланишига хотима берилади.

Томоқнинг қирилиб оғримаслиги учун шолғомнинг орасига сариёғ солиб қасқонда пишириб истеъмол этилса, дардга даво қилади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос**




**«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 139-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ**

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1ТУР** | 2 | 58 | 87 | **8 ТУР** | Сумма:1000 | Сони:72 |
| 73 | 7 | 67 | 38 | 70 | **15 ТУР** | Сумма:300 |
| 4 | 11 | 42 | 85 | Сони:4 | 71 | **22 ТУР** |
| 51 | 1 | 80 | Сони:1 | Сумма:25000 | Сони:9 | 13 |
| 29 | 26 | 57 | Сумма: | **9 ТУР** | Сумма:800 | Сони:172 |
| 34 | 83 | 62 | 3000000 | 74 | **16 ТУР** | Сумма:300 |
| 18 | 40 | Сони:1 | Чипта рақами | Сони:3 | 61 | **23 ТУР** |
| 28 | 39 | Телевизор | 50015788.2 | Сумма:15000 | Сони:12 | 50 |
| 17 | 89 | Чипта | **5 ТУР** | **10 ТУР** | Сумма:600 | Сони:402 |
| 77 | 5 | рақами | 10 | 49 | **17 ТУР** | Сумма:300 |
| 21 | 45 | 10021147.1 | Сони:1 | Сони:4 | 75 | **24 ТУР** |
| 84 | Сони:1 | **4ТУР** | Телевизор | Сумма:10000 | Сони:13 | 79 |
| Сони:1 | Видеомаг- | 22 | Чипта рақами | **11 ТУР** | Сумма:500 | Сони:426 |
| Автомаг- | нитофон | 19 | 20005795.1 | 41 | **18 ТУР** | Сумма:300 |
| нитолла | Чипта | 37 | **6 ТУР** | Сони:3 | 66 | **25 ТУР** |
| Чипта | рақами | 78 | 82 | Сумма:5000 | Сони:24 | 59 |
| рақами | 90002417.1 | 6 | Сони:1 | **12 ТУР** | Сумма:400 | Сони:839 |
| 60002544.2 | **3 ТУР** | 90 | Телевизор | 31 | **19 ТУР** | Сумма:300 |
| **2 ТУР** | 60 | 32 | Чипта рақами | Сони:5 | 27 | **Қўшимча тур** |
| 52 | 69 | 33 | 80004383.2 | Сумма:3000 | Сони:32 | Сони:23 |
| 43 | 16 | 3 | **7 ТУР** | **13 ТУР** | Сумма:300 | Сумма:900 |
| 88 | 44 | 55 | 9 | 65 | **20 ТУР** | **Халтадан чиқмаган шарлар: 12, 24, 25, 53, 54, 63** |
| 86 | 48 | 46 | Сони:1 | Сони:6 | 81 | |
| 35 | 8 | 56 | Телевизор | Сумма:2000 | Сони:61 | |
| 76 | 68 | 64 | Чипта рақами | **14 ТУР** | Сумма:300 | |
| 14 | 23 | 47 | 60024474.1 | 20 | **21 ТУР** | |
| 72 | 36 | 15 | | Сони:3 | 30 | |

**"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2005 йил 24 февралдаги 140- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:**




1 -турда биттадан Автомагнитолла
2 -турда биттадан Видеомагнитофон
3 -турда биттадан рангли Телевизор
4 -турда LACETTI автомобили ўйналади.
Агар чиптангиз 56 -юришгача тўлса сиз LACETTI автомобили соҳиби бўласиз.
57-59 -юришда чиптангиз тўлса «NEXIA» автомобили,
60-62 -юришда чиптангиз тўлса "MATIZ" автомобили,
63-65 -юришда чиптангиз тўлса 3.000.000 сўм,
4- турнинг 65 юришидан сўнг 1.000.000 сўм.
5-7 -турда биттадан рангли Телевизор

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони.Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

BANK XALQ BANKI

**ХАЛҚ БАНКИ**



**мижозларга замонавий банк хизмат турларини жорий этган ҳолда «ИШОНЧ» ва «БАРАКА» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.**

*Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шахобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.*

*Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.*

***«ИШОНЧ»** ва **«БАРАКА»** пластик карточкаларига Халқ банкининг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.*

**Халқ банкининг пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!**


## «АВИАСОЗЛАР ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

**очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

**2005 йил 15 март куни соат 12.00 да жамиятнинг маъмурият биносида акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш вақти 11.00 да бошланади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директори ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгашининг 2004 йил фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият йиллик балансини тасдиқлаш.
6. 2004 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамият директорининг меҳнат шартномасини узайтириш ёки тўхтатиш ҳақида.
8. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2005 йилги бизнес планини (иш режаси) тасдиқлаш.
10. 2005 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
11. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш ҳақида.
12. Жамият тасарруфидаги мол-мулкларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.

**Жамият Кузатув кенгаши**

**Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 15,18,22,25,29 март кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига**

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 50-«А» уйда жойлашган «Ташметрострой» АЖнинг умумий майдони 2038,1 кв.м. бўлган 4 қаватли маъмурий биноси қўйилади.

**Бошланғич нархи — 115 600 000 сўм.**

Шунингдек, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 23-уйда жойлашган «Марлин балиқ» ШКнинг 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AN 633 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

**Бошланғич нархи — 2 057 217 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

***Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49***

**Гувоҳнома №000815**

«Мулоқот» журнали таҳририяти жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг ректори Азиз Тўраевга акаси

**Умаржон ТЎРАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшма жамоаси маънавият-маърифат бўлими бошлиғи Муҳаббат Шербўтаевага отаси

**Абдуваҳоб ШЕРБЎТАЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ВАСЛИНГ МУРОД ЭРСА, АЙЛА ЁД БОБУРНИ, УНУТМАҒИЛ БУ НОМУРОД БОБУРНИ...

## МАҲРАМИ АСРОР ТОПМАДИМ

*Кўнгли тилаган муродиға етса киши,*
*Ё барча муродларни тарк этса киши,*
*Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,*
*Бошни олиб бир сариға кетса киши.*

●●●

*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,*
*Жамиятингиз борини давлат тутунгиз,*
*Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,*
*Бир-бирни неча куне ғанимат тутунгиз.*

*Бедард ҳабиб билмади дардимни,*
*Туфроқча кўрмади рухи зардимни,*
*Мендин неча кўнглида ғубори бўлғай,*
*Кетдим муна, эмди топмағай гардимни.*

●●●

*Қайғунгни чека-чека қарибдур Бобур,*
*Раҳм айлаки, ўзидин борибдур Бобур,*
*Норанж юборди сангаким билгайсен,*
*Яъники бу навъ сарғарибдур Бобур.*



## «ЗАМОНИНИ ЯХШИ ЎТКАРДИ»

### Бобур улуғ мутафаккир — бутун Шарқ тамаддунига улкан таъсир кўрсатган шахслардан биридир

Бобур ота томонидан Абу Саид Мирзо ва она томондан Юнусхон учун биринчи ўғил набира, отаси Умаршайх Мирзога эса биринчи ўғил фарзанд эди. Шу сабабдан у туғилганда ном қўйиб беришни Умаршайхнинг Самарқанддаги пири Хожа Аҳрор Валийдан илтимос қилганлар. Тарихчи Ҳайдар Мирзонинг ёзишича, Бобурнинг туғилиши Хожа Аҳрорнинг тушида аён бўлган. Бу ҳол, албатта, кишини ўйлантиради: нега айнан Бобурнинг туғилиши пирга аён бўлди? Хожа Аҳрорнинг улуғ пир эканлигини эсласак, бу ҳол бўлғуси Заҳириддин Муҳаммаднинг буюк инсон бўлиб етишишига замин эмасми?

Бобур ҳаётда нима яхши-ю, нима ёмон эканига разм соладиган бўлди. У дўстлари, ўртоқларига, уларнинг насл-насабидан қатъи назар, бир хил муомалада бўларди. Ҳатто подшоҳлигида ҳам ўзини оддий тутарди. У шуҳратпарастликка, иззатталабликка ўрганмади. Кейинчалик, подшоҳлик йиллари ҳам ортиқча бойликка ружуъ қўймади, зеб-зийнатга берилмади, уларга нописандлик назари билан қарашга одатланди. Бобурнинг мана шу феълини унинг бутун умрлик фаолиятида кузатиш мумкин.

У ўгай укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзолар туғилиб, вояга етганда ҳам уларга меҳрибонликлар кўрсатди. Ғанимлар укаларини худбинликка ундаб, унга ғаламислик қилганларида ҳам кенг феъллиги боис гина сақламади.

Подшозодалар тахт талашиб, бир-бирларини ҳалок этганлари ҳақида тарихда кўплаб мисоллар бор. Аммо улар ичидан Бобурга ўхшаганини излаб топиш мушкул.

1487 йили, яъни Бобур Мирзо тўрт яшарлигида она томонидан бобоси Юнусхон вафот қилди. Унинг васиятига биноан бўлса керак, 1488 йили беш яшар Бобурни, удумга кўра, амакиси Султон Аҳмад Мирзо қизларидан Ойша Султон Бегимга «қулоқ тишлатти» маросими учун Самарқандга олиб бордилар.

Шоҳона тўй тантаналари ўтгач, Заҳириддин Муҳаммадни улуғ бобоси Амир Темур салтанатининг пойтахтини айлантириб томоша қилдирганликлари шубҳасиз.

Инглиз тадқиқотчиси В.Эрскин Бобур ҳаётини кўп йиллар давомида ўрганиб ёзадики, инсоният фаолиятининг барча соҳасида «осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч қайсиси унга тенг келолмайди ва унинг ёнига қўйиш учун лойиғини тополмаймиз».

Бобурнинг аёлларга ҳурмати ва меҳрибонлиги ҳам кишини лол қолдиради. Туғишган опаси Хонзода Бегимга кўрсатган иззат-ҳурмати, ғамхўрлиги бунинг яққол исботидир. Ёки катта онаси Эсон Давлат Бегимга бўлган муҳаббати-чи? Мана, Бобурнинг онасига ҳурмат юзасидан берган баҳоси: «Хотунлар орасида раъи ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлат Бегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира (тадбирли) эди».

Бобур ҳатто сотқинларга ҳам ёмонликни раво кўрмаган. Уларни доимо кечирган. Мана битта мисол: ишонган бекларидан Ҳасан Яъқуб Бобурга қарши фитна уюштириб, ҳокимиятни бир муддат ларзага келтирди. Бобур уни ҳийла билан бўлса ҳам туттириши ва жазолаши мумкин эди. Лекин ундай қилмади. Тасодифни қарангки, ўртада бўлган отишмада хоин Ҳасан Яъқуб ўз йигитларидан бирининг отган ўқидан ўлади.

Ёки мана бу мисолни олиб кўрайлик: Ҳиндистон забт этилгач, мағлуб бўлган Иброҳим Лўдий ошпазларидан тўрт киши Бобур емакхонасида хизматга қолдирилган эди. Аҳмад баковул degani Иброҳим Лўдийнинг онаси гапига кириб, Бобурнинг овқатига заҳар солиб қўяди. Табиблар саъй-ҳаракати билан Бобур омон қолади. «Бобурнома»да ўқиймиз: «Тангри менга бошдин жон берди. (Гўё) онадин энди туғулдим. Мен хаста ўлуб эдим, тирилдим».

Шу воқеадан сўнг, Иброҳим Лўдийнинг онаси Бобурнинг буйруғи билан ўлим жазосидан омон қолади.

Бобур салтанатида уюштирилган базмлар ўша давр ичимлиги бўлмиш чоғирсиз ўтмасди: пок мусулмон бўлиш ва чоғир ичишдек икки қарама-қарши кайфият 20 йил давомида Бобур руҳиятида ёнма-ён яшайди. Ниҳоят, 1527 йилнинг 26 февраль куни Бобур аёнлар ўртасида ичкиликни маън этиш тўғрисида фармони олий эълон қилади. Барча олтин қадаҳлару май идишлари тошларга уриб синдирилган, парчалари бева-бечораларга ҳадя қилинган.

Мана бу воқеа ҳам ўта ибратлидир. Бобур бир саёҳати чоғида Синд дарёсида чўкаётган болага кўзи тушади. Подшоҳ бўлишига қарамай, дарҳол ўзини сувга отади ва сузиб бориб болани қутқаради. Буни кўрган боланинг отаси келиб, ўзини Бобур оёғи остига ташлайди, этакларини ўпади. Маълум бўладики, мағлуб бўлган ҳинд рожаларидан бири бу одамга катта бойлик ваъда қилиб, Бобурни ўлдиришни топширган экан. Бобур эса унинг фарзандини ўлимдан сақлаб қолади. Инсонпарварликка доир бундай мисоллар Бобур ҳаётида кўплаб учрайди.

Ҳа, Бобур — эътиқодда мустаҳкам, имони бут, шу билан бирга ҳиммати баланд комил инсон эди. У бобоси Соҳибқирон Амир Темурга нисбат берса бўладиган улуғ киши, саховатли ва диёнатли подшоҳ эди. Бош фарзанди Ҳумоюн Мирзо бетоб бўлганида ўз жонини фарзандига бағишлади, унинг дардини ўзига олди, Яратганга астойдил илтижо қилди. Охи Оллоҳга етиб фарзанди тузалади. Тарихда Шарқда ўтган подшоҳлар орасида бунақа ҳодиса такрорланган эмас. Бу ҳам Бобурнинг нақадар буюк, комил инсонлигидан нишонадир.

Унинг ўзи айтганидек:

**Хуш ул бурунқи замонларни,**
**ўттию борди,**
**Хуш ул кишиким замонини**
**яхши ўткарди.**

**Зокиржон МАШРАБОВ,**
**Халқаро Бобур фонди раиси**

## БИР МУҲОРАБАДА БЕШ ОТ АЛМАШТИРГАН БОБУР

**Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий ҳаётига диққат билан назар солсак, ибрат олгудек жиҳатларнинг саноғи йўқ. У 47 йиллик қисқа умри давомида оламшумул ишларни бажариб, авлодларга «Бобурнома»дек нодир асарни, латиф ва дилбар ғазаллар, назмнинг турли жанрларидан иборат шеърий девон, Алишер Навоийдан сўнг туркий шеършуносликда улкан хазина — аруз назариясига оид «Мухтасар» асарини, Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия» асарининг форс тилидан туркийга таржимасини, шунингдек мусиқа, ҳарбий санъат сирлари, ислом дини назарияси ҳамда унинг иқтисодий негизига оид дурдона меросни қолдирди. Шу билан бирга у тажрибали лашкарбоши сифатида Амир Темур салтанатини Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда яхлитлигини таъминлашда ўта жонбозлик кўрсатган, бунга маълум даражада эришган ҳукмдор ҳамдир.**

Биз «Бобурнома»ни варақлаб тарих воқеалари ичра сайр этарканмиз, уни битган ижодкорнинг довюраклиги, билаклари қилич ўйнатишга моҳирлиги, муҳорабаларда ўнлаб жасорат кўрсатганига гувоҳ бўламиз. Замондошларининг ёзишича, Бобур баланд қоматли, елкалари кенг, бақувват киши бўлган. У икки сарбозни қучоқлаб қалъа деворидан югурган, Ҳиндистонда Ганга дарёсининг у қирғоғидан бу қирғоғига сузиб ўтган, душман билан юзма-юз жанг қилган, тўрт-беш кишига қарши бир ўзи қилич чопиб ғолиб келган. Бунга ўхшаш мисоллар «Бобурнома»да ҳам талайгина. Бу жасоратларнинг кўпи Бобурнинг улғайиб, жасур саркарда ва моҳир жангчи бўлган пайтидаги тасвирларда кўпроқ кўзга ташланади.

1502-1503 йил воқеалари. Айтиш мумкинки, бу Бобур тақдиридаги энг аянчли, омадсиз дамлар. Бобур 15 ёшда бўлишига қарамасдан бу пайтда муҳорабаларда қатнашиб кўзи пишган, шаҳар бериб шаҳар олган, Шайбонийхондек кучли ғанимдан Самарқандни икки марта тортиб олиб, шаҳарда ҳукм сурган очарчилик боис уни ташлаб чиқишга мажбур бўлган эди. Булар ҳам майли, унинг юксак орзуларидан бўлмиш Мовароуннаҳрда мустаҳкам давлат тузиш, Самарқандни пойтахт этиб, темурийлар салтанатини қайта тиклашга интилиши бутунлай барбод бўлган эди. У Ўратепа атрофидаги Даҳкатда ночор қолган дамларини қуйидагича ёзади: *«Даҳкатда эканда Даҳкатнинг гирд ва навоҳисидаги тоғларни ҳамиша яёқ юруб, сайр қилур эрдим. Аксар яланг оёқ юрур эрдим. Яланг аёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлиб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эди».*

Заҳириддин Бобурнинг лашкари, содиқ бек ва аёнларидан айрилган пайтда айтилган бу ўкинчли сўзларида жон бор. У қанчалик мушкул бўлмасин, она томондан узоқ қариндош бўлган мўғул хонлари олдига ёрдам сўраб боришдан ўзини тийган. Лекин у эзгу мақсадларини кўз олдига келтирар экан, бунинг устига ночор аҳволдалиги боис Тошкентга — хон бобоси даргоҳига нажот истаб боради: *«Бу муддатдаким, Тошкандта эдим, хейли қаллошлиқ ва хорлик тортилди, вилоят йўқ, вилоят умидворлиғи йўқ, навкар аскар тарқади: маъдудиким, қолиб эди, қаллошлиқтин менинг била юрий олмас эдилар».*

Шунга қарамасдан Бобурнинг хон бобоси ёш шаҳзодани яхши кутиб олади. Охири, улар Фарғонани Аҳмад Танбал ва унинг тарафдорларидан тортиб олиш учун жангга кирадилар. Аҳмад Танбал Ахси устидаги жангда ҳийла ишлатади. Ярим кечада Бобур билан бирга бўлган шаҳзода ва беклардан Жаҳонгир мирзо, Қанбар Алибек, Шайх Боязид, Муҳаммад Дўст кабилар устига ноғора-ю, машъаллар билан ёпирилиб, лашкар орасига парокандалик солади. Натижада Бобурнинг сафдошлари кам қолади. Шунга қарамасдан Бобур шижоат билан жангга киради. Ёш бўлишига қарамай у шаҳзода Жаҳонгир Мирзога ёрдамга келади: *«Мирзонинг кишиси оз эди. Бир пора ўз кишимдин ҳам мирзоға кўмак таъйин қилдим. Ул анда етиб бир ерда урушқа элни таъйин қилиб яна бир тарафқа келдим».*

Бобур ушбу муҳорабада юксак жасорат кўрсатади. *«Шаҳрнинг ўртасида тузрак ер бор эди. Анда бир пора йигитларни қўюб борилиб эди. Бу жамоатни қалин отлиқ-яёқ келиб, ул ердин кўтариб кўчага тиқибтурлар. Ушбу ҳолатда мен етиб бордим. Еткач — ўқ от югуртум. Туриш бермай дуркураб қоча бердилар. Кўчадин қочуриб тузга чиқориб, қилич тегирур маҳалда отимнинг оёғиға ўқладилар. Отим букулуб, ёғийнинг ўртасида мени ерга урди».*

Муҳорабанинг ана шу еридан бошлаб уруш манзараси шиддатли равишда ривожланиб боради. «Бобурнома»даги бошқа жанг тасвирларини камситмаган ҳолда, ушбу муҳораба ўзгача руҳда тасвирланганини таъкидлаш керак.

... Яраланган от Бобурни душманлар ўртасида ерга қулатган. Вазият танглигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Жасурликда ном чиқарган Бобур шунда ҳам ўзини йўқотмайди. Бу жараёнда шаҳзода сафдошларининг юксак инсоний фазилатлари, ноқулай вазиятда шитоб билан етиб келиб, ёрдам қўлини чўзишлари диққатни тортади. Улар Бобурга бир эмас, икки отни — ўзлари минган ва жанг олиб бораётган отларини алмаштиришни истаб пешвоз чиқишади. Биринчи отдан иккинчиси устун. Буни от эгаси Султон Муҳаммад Вайс ўз вақтида англаган, Бобурни у «забун» отда жанг олиб бориш у ёқда турсин, манзилга етиши маҳоллигига ҳам ақли етган. Аммо Соҳибқадам Коҳил ҳам агарчи оти нимкора бўлса-да, ўзи душман билан юзма-юз қолса-да, дарров отини Бобурга тутган. Ана шу от алмаштириш саҳнасининг ўзида ҳам темурий бек ва сипоҳларнинг ахлоқи, юксак садоқати ўз аксини топган.

*«Чуст қўпуб бир ўқ оттим, Соҳибқадам Коҳилнинг бир забунғина оти бор эди, тушиб манга тортти, миндим. Мунда киши таъйин қилиб яна бир кўча бошиға мутаважжиҳ бўлдум. Султон Муҳаммад Вайс отимнинг забунлиғини кўриб тушиб, отини манга тортти, ул отға миндим».*

Учинчи отга минган Бобур шиддат билан курашиб, душманларини таҳликага солар эди. Агар бу пайтда Бобур 15 ёшда эканлигини эсласак, у ўспиринлигидаёқ моҳир қиличбоз, жасур жангчи бўлиб шаклланганига гувоҳ бўламиз.

Мазкур муҳорабада Бобурнинг қўшини анчагина талафот кўради. Таъқибга тушган унинг шериклари ғанимлардан анча кам эди. Аммо Бобурнинг довюраклиги шундаки, у қийин аҳволда қолса ҳам қаршилик кўрсатишни тўхтатмайди. *«Қовғунчи йигирма-йигирма беш киши экандур, биз секкиз киши эдук, нечукким мазкур бўлди. Агар ул ваҳмда мунча киши эканини таҳқиқ билсак эди, яхши урушур эдук. Хаёлға кечтиким қовғунчи буларнинг кейнида пайваст бўлғусидур, бу жиҳатдин юруй бердук».*

Шубҳасиз, шунчалик шиддат билан давом этаётган беомон муҳорабада бировдан аҳвол сўраш, отини шеригига бериб, ўзи яёв қолаётган кишига тасалли бериш у ёқда турсин, бир сўз айтишга на фурсат, на кайфият қолади. Бобурнинг бу муҳорабадаги тўртинчи оти ҳам чарчаб, йўл юришга мажоли қолмайди. У шаҳзода бўлишига қарамасдан бекларининг бақувват отларини олиб минишдан ўзини тортади. Аммо Қанбар Али исмли бек ҳеч иккиланмай йўрға отини Бобурга беради, ўзи эса унинг чарчаган отига минади: *«Бу минган отим ҳам сустлиқ қила бошлади. Қанбар Али тушиб отини берди, миндим, Қанбар Али ҳам отимға минди ва қолди».*

Охир-оқибат от танқислиги боис Бобур ўзи якка қолади. «Бобурнома»даги мана бу сатрлар муаллифнинг руҳий тушкунликка тушган оғир дамларидан бирини акс эттирган. Бобур бу муҳорабага умид билан кирган, зора бу галги ғалаба унга Фарғона мулкига эга бўлиш ва кейин мақсад сари боришга имкон туғдирса, деган илинж бор эди. Афсуски, у яна тақдир тақозоси билан якка қолганди. *«Неча навбат Мирзоқулиға боқа юрудум. Охир Мирзоқули дедиким, менинг отим бўлдурубтур, бора олмассиз, манга боқа олдурманг, юрунг, шояд чиқа олғайсиз. Манга ғариб ҳолати бўлди, Мирзоқули ҳам қолди.* ***Мен ёлғуз қолдим».***

Ғанимлардан икки киши Бобурни тоғ оралиғигача таъқиб этади. Унга етиб олгач, бу ёш шаҳзоданинг зийрак, мард ва довюраклигига тан бериб, унга бошқа монелик қилмайдилар.

Бу воқеалар замирида энг аввало, соф инсоний муносабат, юксак одамгарчилик ва қатъий ҳарбий интизом мавжуд. Бу пайтда Бобур қўл остидагиларга жазо берадиган, рутбасини пасайтирадиган даражада бўлмаган. Бу от алмаштириш сабабини Бобур шахсига, унинг темурий шаҳзодалигига нисбатан кўрсатилган эҳтиром сифатида қабул қилмоқ керак.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори**

## «БОБУРИЙНОМА» БИТИКЛАРИ

***Бобур фавқулодда нодир истеъдоди, беқиёс инсоний салоҳияти билан ҳақли равишда жаҳон аҳлининг ҳайрат ва эҳтиромига мушарраф бўлди. Айни фазилатлари билан у миллатимизни, халқимизни бутун оламга танитди. Ва шу боис, у миллатимизнинг, халқимизнинг ифтихор байроқларидан бирига айланди.***

✧✧✧

***Самарқандни олганида саноғлиқ икки юз қирқ киши билан бу хатарли жасоратга қўл урган эди.***

✧✧✧

***«Бобур инсонлар ичида энг ботиридир» (Эдуард Холден) Бу фикрга қўшимча қилиб, Бобур — инсонлар ичида энг ростгўйидир, деб айтсак ҳам хато бўлмас. Унинг қалб дафтари — «Бобурнома»ни диққат билан варақлаган киши бунга амин бўлади. Қадим дунёнинг ориф инсонлари оқ қоғоз бетига ёлғон ёзмоқдан парҳез қилар эдилар.***

✧✧✧

***Амир Темур салтанатининг бу муаззам пойтахти Бобур Мирзонинг бир умрли армонига айланган эди. У навқирон йигитлик чоғида Самарқанд фатҳи учун мардоналарча жанг қилди. Икки бор бу буюк шаҳарни қўлга киритди. Уни сақлаб қолмоқ учун жон-жаҳди ила тиришди. Зеро у билар эдики, Самарқандни забт этмоқ — бутун шарқни забт этмоқ билан баробардир. Шу боис ҳам у ҳаётининг сўнгги лаҳзаларига қадар Самарқанд хаёли билан яшади. Бобур Мирзо Самарқанд ёдини хотирасининг энг тийран қаватида ҳамиша авайлаб-асради.***

✧✧✧

***Тақдири азал бу тахлит тожу тахт миннатини бўйнига ортмаганида, шубҳа йўққим, ўзини буткул ашъор ва илм заҳматига бахш этган бўларди.***

✧✧✧

***Маълумки, Бобур Мирзо умр бўйи икки ўт орасида — мамлакатдорлик миннати ва шеърият заҳмати билан яшади.***

✧✧✧

***Оламда Ватан соғинчи ва ҳасратини Бобурдек ёниб, қайғу-надоматга тўлиб куйлаган бошқа бирон шоир бормикан.***

✧✧✧

***Изтироблар боиси — тирикликда, инсонликда. Фақат тирик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини енгиб бормоққа қодир. Дунёдаги ҳатто энг улуғ ўлик ҳам изтироб чекмоқдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб — тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир.***

✧✧✧

***Улуғ соҳибқирон Амир Темур даҳосидан қувват ва руҳ олиб яшаган, жангу-жадаллар қилган, афсонавор иншоотлар бунёд этган бобурий боболаримизнинг шуҳрати, беқиёс фаолияти, муҳаббат достонлари, ватанга муҳаббати Мағрибдан Машриққа қадар тилларда ва элларда машҳуру манзур бўлди. Ва бу ҳақиқатни содиқ дўстлар ҳам, ғаддор ғанимлар ҳам эътироф этдилар: «Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожидир» (Вольдемар Хансен).***

✧✧✧

***Гарчанд Бобур тарих ҳукми билан бу юртларга фотиҳ сифатида лашкар тортиб келган бўлса-да, жаннатмисол бу ўлкани тақдир тақозосига кўра ўзига ватан тутди.***

✧✧✧

***Йўқ ватандан айру тушган қисмат, сўзсиз, кишини тириклайин қабрга элтгай. Ахир тирик жонга ёлғиз мозор учун тўрт газ қаро ер эмас, балки ҳамдаму ҳамнишин элу юрт керак.***

✧✧✧

***Мана, ниҳоят Тангри таолонинг иноятини ила улуғ аждодимиз, изларини излаб юрганимиз зоти бузург — Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжоларига ҳам етиб келмоқлик насиб бўлди.***

✧✧✧

***Мана, баландда, юксак тоғлар пойида жойлашган оқ мармар мақбара. Мўъжазгина, худди Бобур Мирзонинг ўзи янглиғ ортиқча ҳашам ва дабдабалардан холи, сипо ва камтарин бир оромгоҳ.***

✧✧✧

***«Боғи Бобурдаги сағана тошига қуйидаги сўзлар битилган: «Подишоҳки, анинг тожу тахтидан нури илоҳий ёғилур эрди, номлари Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эрди. Давлатманд ва бузургвор, иқболли ва одил ва динпарвар, сипоҳийлари тавфиқ соҳиби бўлмиш файзиёб фотиҳ эрди. Ул зот олам жисмини илгида тутди ва равшан бўлиб равона бўлди».***

**Фаррух ҲАМРОЕВ**
**тайёрлади**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 155
12284 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni 22.30
Topshirish vaqti 23.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda